**ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРДАГИ, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИЗЧИЛ ДЕМОКРАТИК ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ ЯНГИЛАНИШИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ БЕҚИЁС.**

**Ислом КАРИМОВ**


SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2003-YIL ■ 5-MAY ■ DUSHANBA ■ 57 (27.077) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.


*Кеча Тошкентда ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши йиллик йиғилишининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.*

*Йиғилиш бугун ўз ишини давом эттиради.*




Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki


# ТОШКЕНТ ФОРУМИ: БИЗНИНГ МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ — МУШТАРАК




## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕТТБ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИ ЙИЛЛИК ЙИҒИЛИШИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг Президенти жаноблари!

Муҳтарама Бошқарувчилар Кенгаши Раиси!

Ҳурматли Бошқарувчилар!

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни — Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик йиғилиши иштирокчиларини қутлаш ва барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромимни изҳор этиш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Менга бу ерда ҳозир бўлган Марказий Осиё минтақаси давлатлари президентлари, Грузия Президенти Э.А.Шеварднадзе, Ҳукумат бошлиқлари, Марказий банкларнинг раҳбарлари, етакчи халқаро сиёсий ва молиявий институтлар вакиллари, банкирлар ва ишбилармонларни қутлаш ва беҳад банд бўлишларига қарамай, мазкур анжуманда иштирок этиш имконини топганлари учун уларга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бундай нуфузли халқаро молиявий анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши нафақат Ўзбекистоннинг молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида, балки бутун Марказий Осиё минтақаси тараққиётида муҳим роль ўйнайди, десам, ўйлайманки хато бўлмайди.

ЕТТБнинг йиллик анжуманига тайёргарлик кўриш жараёнининг ўзи Ўзбекистонда демократик ривожланиш ва жамиятни янгилаш, эркин бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш, таркибий ўзгаришларни ва инвестиция дастурларини амалга ошириш борасида бажарилган ишларни яна бир бор юксак профессионал даражада танқидий баҳолаш учун қулай шароит яратди. Биз, биринчи навбатда, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки билан ҳамкорлигимизнинг қанчалик фойдали ва самарадорлигини холис баҳолаш имконига эга бўлдик.

Мен ушбу минбардан туриб, бутун масъулиятни зиммамга олган ҳолда шуни айтишим жоизки — Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги, мамлакатимизнинг изчил демократик ҳамда иқтисодий янгиланишидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Анжуманнинг барча иштирокчиларига тақдим этилган материаллар билан жиддий танишган одам, ўйлайманки, бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Кейинги йилларда мазкур Банк Ўзбекистон иқтисодиётига 750 миллион доллардан зиёд сармоя киритди. Унинг иштирокида олтин қазиб олиш бўйича «Зарафшон-Ньюмонт» каби йирик қўшма корхоналар, бир қанча қўшма банклар ва лизинг компаниялари ташкил этилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва Сирдарё ГРЭСи реконструкция қилинди, Тошкент халқаро аэропорти замонавий андозалар асосида қайта таъмирланди ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда нафақат катта, балки устувор аҳамиятга эга бўлган бошқа қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун Банк қиймати 200 миллион долларга тенг кредит линияларини очди. Шу билан бирга Банк инвестициялари биз учун ўта муҳим ушбу соҳага бошқа халқаро тузулмалар ва сармоядорларнинг 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган маблағларини жалб этишда кучли омил ва яхши намуна бўлди.

Бажарилган лойиҳалар ва ишга туширилган объектлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бироқ мен ҳамкорлигимизнинг бошқа томонларини ҳам қайд этмоқчиман.

Банк ўз инвестициялари ёрдамида иқтисодиёт соҳаларининг таркибий янгиланиши ва ислоҳ қилинишида, хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашувида, хусусий секторни ривожлантиришда, энг муҳими, мамлакатимизда янги синф — тадбиркорлар синфининг ривож топишида амалий ёрдам кўрсатмоқда.

ЕТТБ билан ҳамкорлигимизнинг бундай аниқ мақсадларга йўналтирилганлиги бугунги кунда Ўзбекистон демократик ва бозор ислоҳотларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш, фуқаролик институтларини ривожлантириш борасида ўз олдига қўйган жорий ва стратегик вазифаларга тўла мос келади.

Ижозатингиз билан, ушбу вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам.

Ўзбекистонда тоталитар тузумдан ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришга ўтиш даврида ижтимоий янгиланиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш учун асос бўлган бешта тамойилда қуйидагилар таъкидланган: иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги; бошқарув ва хўжалик юритишнинг барча поғоналарида қонун устуворлиги ва етакчилиги; кучли ижтимоий сиёсат; ислоҳотларни босқичма-босқич, бошқача айтганда, эволюцион тарзда амалга ошириш. 1992 йилдаёқ эълон қилинган ушбу тамойиллар бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотган эмас.

Айни вақтда, давлат ва жамиятни изчил ривожлантиришдаги ҳар бир босқич янги қонунлар қабул қилишни, мамлакат ва иқтисодиётни модернизациялашнинг замонавий шартларига мос ва мувофиқ бўлган тамойил ва талабларни амалга оширишни тақозо этади.

Бу соҳадаги ишларнинг аҳволини танқидий баҳолар эканмиз, биз бир нарсага ишонч ҳосил қиламиз: олға ҳаракатланишимиздаги асосий тўсиқ — бу ислоҳотларни амалга оширишдаги яримёртилик, яъни бошланган ўзгаришларни мантиқий ниҳоясига етказилмаслигидир. Бу — консерватизм, онгимизга ўрнашиб қолган эскича фикрлаш асоратлари, тўрачилик, кадрларнинг тайёр эмаслиги, уларда тажриба ва билим етишмаслигидир.

Бундан икки йил аввал биз Ўзбекистонда ҳаётимизнинг сиёсий, иқтисодий, молиявий, қонунчилик, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган яқин йилларга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Дастур қабул қилган эдик ва уни муваффақиятли амалга оширишдан умидимиз катта.


2-бет




## «Иқтисодий олимпиада» бошланди

4 май куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси бошланди.

Анжуманнинг очилиш маросимига Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Грузия президентлари, кўплаб мамлакатлардан ҳукумат делегациялари, нуфузли халқаро молиявий муассасалар вакиллари, йирик сармоядорлар, ишбилармонлар ташриф буюрди.

Мажлисни ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши раиси, Буюк Британиянинг халқаро тараққиёт масалалари бўйича давлат котиби Клейр Шорт хоним очди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши раиси ўз нутқида ўтган йили дунё иқтисодиёти муайян қийинчиликларни бошдан кечирганига қарамай, мазкур банк кредит ажратишда ўзига хос рекорд қўйганини маълум қилди. 2002 йили банк 3,9 миллиард евролик кредит ажратди. Шунинг 1,35 миллиарди Марказий Осиё мамлакатларига йўналтирилди.

Европадаги саккиз мамлакат Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун расман таклиф этилган. Шу муносабат билан энди ЕТТБ уларга ёрдам кўрсатишни тўхтатиб, Шарққа эътиборини кучайтиради.

Банк катта тажриба ва технологияларга эга. К.Шортнинг таъкидлашича, халқаро ҳамжамият Марказий Осиёга кенг ёрдам кўрсатиш заруратини энди англаб етмоқда. Мазкур минтақадаги мамлакатларда амалга оширилаётган ислоҳотларга кўмаклашиш учун уларга кўрсатилаётган ёрдамни янада кенгайтириш чораларини кўриш керак.

Бунинг учун минтақа мамлакатлари инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор бериши, хусусий секторни кенг қўллаб-қувватлаши зарур.

К.Шортнинг айтишича, Марказий Осиёда фаолият юритаётган халқаро молия ташкилотларининг операцияларини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, барқарор тараққиётни таъминлаш керак. Одамлар банкнинг фаолияти, мақсадлари ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлса, молиявий операцияларнинг амалий самараси янада ортади.

ЕТТБ президенти Жан Лемьер ҳам ўз нутқида мазкур банк бундан кейин Марказий Осиёга эътиборини кучайтиришини таъкидлади. Банк операциялари амалга ошириладиган мамлакатлар орасида мазкур минтақа давлатлари иқтисодий жиҳатдан бирмунча орқада. Лекин уларда иқтисодий салоҳият жуда катта. Бу салоҳиятни тўла ишга солиш учун эса сармоя муҳитини яхшилаш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш лозим.

Ж.Лемьер Марказий Осиё мамлакатларига кўпчилик ёрдам қўлини чўзишга шай эканлигини, жумладан, ЕТТБ хусусий секторни қўллаб-қувватлаш орқали кўмакни кучайтириши мумкинлигини айтди. У 2002 йил июнда ЕТТБ ва бир қанча донор ташкилотлар томонидан Марказий Осиёга сармоя киритиш борасидаги таваккалчиликни кафолатлаш бўйича махсус жамғарма тузилганини маъқуллади.

Мажлисда Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари сўзга чиқди.

ЕТТБ Бошқарувчилар кенгаши мажлисининг иккинчи сессиясида Греция, Украина, Япония, Швейцария, Туркия, Европа Иттифоқи, Польша, Швеция, Словакия, Испания, Румыния, АҚШ, Нидерландия, Россия, Исроил, Туркманистон делегациялари раҳбарлари, ЕТТБ бошқарувчиларининг ҳисоботлари тингланди.

Тошкент анжумани давом этмоқда.

**(ЎзА)**

## Президентларнинг Тошкент учрашувлари

Тошкентда ўтаётган Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Грузия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон президентлари 4 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашди.

Ислом Каримов, Эдуард Шеварднадзе, Нурсултон Назарбоев, Имомали Раҳмонов ва Асқар Акаев иштирокида кўп томонлама музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини, жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, халқаро майдонда юзага келган вазият, МДҲ доирасида кечаётган жараёнлар, Афғонистон ва Ироқни тиклаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар журналистлар билан учрашувда пойтахтимизда ўтаётган ЕТТБ саммити хусусидаги фикрларини баён қилди.

Ислом Каримов ЕТТБнинг Тошкент саммити нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё мамлакатлари ҳаётида ҳам тарихий воқеа эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ислом Каримов Тошкентда ўтаётган мазкур нуфузли анжуман нафақат Ўзбекистонга, шу билан бирга Марказий Осиё давлатларига келаётган сармоя ҳажмининг кескин ошишига, минтақадаги интеграциялашув жараёнини янада жадаллаштиришга, бинобарин, Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий юксалишига улкан ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Грузия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон раҳбарлари ҳам ушбу форум минтақа ҳаётидаги тарихий воқеа эканини таъкидлади. Президентлар анжуманнинг Ўзбекистонда ўтаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси эканини ва бунда шахсан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг улкан ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этди. Улар Тошкент анжумани минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, транспорт алоқаси, жумладан, ТРАСЕКА дастури доирасидаги алоқаларини кучайтиришда, демак, нафақат Марказий Осиё, балки Кавказ минтақаси, хусусан, Грузиянинг иқтисодий юксалишида ҳам муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирди.

Шу куни давлатимиз раҳбарининг Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон президентлари билан яккама-якка учрашувлари бўлиб ўтди.

Мулоқотлар чоғида президентлар ўзаро икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, халқаро террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси, диний экстремизм каби иллатларга қарши биргаликда курашишга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

**(ЎзА)**


ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BANK XALQ BANKI


## ЕТТБ Бизнес-форуми: ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИЯСИ



4 май куни пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтаётган мажлиси доирасида Бизнес-форумнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу анжуман доирасида «Инвестициявий муҳит: сиёсатнинг инвестициявий муҳитга таъсири», «Савдо ҳудудлари, савдони йўлга қўйиш: минтақавий ҳамкорлик ва глобаллашув», «Ишончли бизнес: халқ фаровонлигига кўмаклашувчи амалий натижа» мавзуида семинарлар бўлиб ўтди.


2-бет



БИЗНЕС БАНК

ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

BUSINESS BANK

● ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

# Банк рекламаси

## МИЖОЗ БИЛАН ЎЗАРО ИМИЖ ЯРАТИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда банк тизимини шакллантириш амалда тугалланган ва молия бозорида нафақат акциядорлик-тижорат, балки хусусий банклар ҳам фаолият юритаётган бир пайтда банк фаолияти рекламаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Реклама самарали бўлиши учун реклама сиёсатига қўйиладиган муайян талабларни ҳисобга олиш зарур. Улар янги бозорларни ўзлаштириш, хизматлар ҳажмини кўпайтириш, банк обрўсини кўтариш мақсадида муассаса ўтказадиган фаолият мажмуидан иборат бўлиб, бу фаолият узоқ муддатли ва қисқа муддатли мақсадларнинг бажарилишига олиб келади. Банк рекламаси сиёсатидан мақсад — бозорга янги хизматлар турини киритиш, янги бозорларни ўзлаштириш, мазкур банк тўғрисида ҳақиқий ва потенциал истеъмолчиларнинг билимларини кенгайтириш, уларга кўрсатилаётган хизматлар мажмуи ҳамда муайян хизмат тўғрисида яхши таассурот яратишдан иборат.

Шунингдек, банк хизматларига бўлган мавжуд қизиқишни қўллаб-қувватлаш, мавжуд талабларни фаоллаштириш, банк ва унинг доимий мижозлари ўртасида норасмий алоқалар ўрнатиш ҳамда баъзан нархлар ўзгаришига ёки уларни сотишнинг бошқа аспектларига олиб келадиган хизмат шартларини ўзгартириш тўғрисида маълумот олиш ҳам банк реклама сиёсатидан кутилган мақсадлар қаторига киради.

Шуни қайд этиш керакки, банклар рекламани газета, журнал, радио ва телевидение орқали амалга ошириши мумкин. Бундан ташқари, шаҳар рекламасининг ҳам турли шакллари мавжуд. Булар: тасвир ва ранглар ёрдамида ишланган катта тахтали реклама, манзилли ва манзилсиз пресс-релиз шаклидаги (почта орқали бериладиган) реклама, йиллик ҳисоботлар, анъанавий бюллетенлар, каталоглар, варақача ва буклетлар ва ҳоказо. Айни пайтда кўргазмаларда иштирок этиш; жамоатчилик билан алоқа (Publik Relations), турли шаклдаги реклама ёдгорликлари, реклама шиорлари ёки банк девизи, шунингдек рекламанинг бошқа ноанъанавий турлари ҳам.

Банк рекламаси комплекс тарзда, бир неча бор ишлатилса ва аниқ мақсад сари йўлланган бўлса самарали бўлади. Рекламанинг натижадорлигини ошириш мақсадида банкнинг маркетинг стратегиясини ҳисобга олувчи реклама компаниясининг режаси, реклама агентликларидан жалб этилган мутахассислар иштирокида ишлаб чиқилиши мумкин.

Реклама шакли — унинг мақсадлари билан, унинг мақсади эса мазкур маҳсулот турининг потенциал истеъмолчиларини муайян доираси билан боғлиқ. Шундай экан, имиж-реклама банкнинг мақбул образи ва хизматларини яратишни назарда тутади. У нафақат потенциал мижозларга, балки кенг оммага ҳам қаратилган бўлади. Рағбатлантирувчи реклама банк хизматларидан фойдаланадиган харидорлар эҳтиёжини рағбатлантиришни назарда тутади. Мазкур реклама турининг мақсади — потенциал мижозлар учун банк маҳсулотининг мазкур тури тўғрисида муайян билимлар даражасини шакллантиришдан иборат. Барқарор реклама эришилган натижаларни мустаҳкамлайди ва одатда кўргазмаларда иштирок этиш, мижозларга банк молиявий ҳолати тўғрисида маълумот тақдим этиш (масалан, йиллик фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари акс этган проспект ва б.) орқали амалга оширилади. Шунингдек, мазкур банк фаолияти ё унинг хизматлари тўғрисидаги моддалар ёрдамидаги яширин реклама ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда банк секторида кучайиб бораётган рақобат шароитида бутун диққат-эътибор асосан кредит институтлари рекламасига қаратилган. У эса банкнинг мақбул имижини шакллантиришга хизмат қилади. Банк имижи деганда, мижозлар ва жамоатчилик онгида у ёки бу банк тўғрисида мавжуд бўлган аниқ ва мавҳум образлар йиғиндиси тушунилади.

Реклама — банк билан мижоз муносабатида муҳим роль ўйнашини ёддан чиқармаслик зарур, бу эса — имиж яратишнинг муҳим воситаси.

**Жаҳонгир БОЛТАБОЕВ**

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИГИ: ЎТМИШ ВА БУГУН








1. Жаркўрғондаги минора (1109 йил). Minaret in Jarkurgan. (1109).
2. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки. (1998 йил). The National Bank of Uzbekistan. (1998).
3. Вобкентдаги минора. (XII аср). Minaret in Vobkent. XII c

**Шаҳрисабзда «Оқсарой тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон — Туркия — Япония қўшма корхонаси иш бошлаганига бир йил бўлди. Ўтган қисқа вақт ичида бу ерда етти минг тоннадан зиёд пахта толаси қайта ишланди. 4 минг 211 тонна ип-калава, 973 тонна трикотаж экспорт қилинди. Корхонанинг бир йиллик экспорт ҳажми қарийб ўн миллион АҚШ долларини ташкил этди.**

**«Оқсарой тўқимачи ЛТД» четга маҳсулот чиқариш бўйича вилоятдаги бошқа қўшма корхоналарни ортда қолдирмоқда. Бошқача айтганда, вилоятдаги қўшма корхоналар экспорт ҳажмининг 98 фоизини мазкур корхона маҳсулотлари ташкил этяпти. Инвестор учун сармоя киритаётган ҳудуддаги тинчлик-хотиржамлик, маҳаллий аҳолининг хайрихоҳлиги муҳим аҳамиятга эга. Шаҳрисабзлик ёшларнинг билим ва салоҳияти анча баланд.**

**Кўриб турганингиздек, янги технологияни ўзбек ёшларининг ўзи бошқармоқда. Улар бу ишни жуда қисқа фурсатда ўрганиб олди.**





● ТАФСИЛОТ

# Ироқ: вазиятни барқарорлаштириш йўлида

## КЕНГ МИҚЁСЛИ ИШЛАР БОШЛАНДИ




**CNN**. Ироқдаги вазиятни барқарорлаштириш ва уни қайта тиклаш мақсадида мамлакат уч қисмга бўлинади. АҚШ, Буюк Британия ва Польша етакчилигида ишлаб чиқилган бундай янги тартиб лойиҳаси яқинда Лондонда бўлиб ўтган 16 давлат вакиллари иштирокидаги конференцияда маълум қилинди. Бу лойиҳани 10 давлат — АҚШ, Британия, Польша, Украина, Италия, Испания, Дания, Болгария, Голландия ва Албания делегациялари маъқуллади-лар ва ўз хизматларини таклиф этдилар. Филиппин, Қатар, Австралия ва Жанубий Корея вакиллари эса бу борада ҳали бирор фикр билдиришгани йўқ.

Россия, Франция ва Германия мамлакатлари вазиятни барқарорлаштириш ишларига таклиф этилмади.

Умуман конференция ишида АҚШ, Буюк Британия, Болгария, Руминия, Филиппин, Қатар, Австралия, Жанубий Корея, Польша, Венгрия, Чехия, Словения, Словакия, Латвия, Литва ва Эстония вакиллари иштирок этди. Яна икки марта — чоршанбада Буюк Британияда, 22 май куни эса Польшада шундай учрашув ўтказилиши кутилмоқда.

**REUTERS**. Вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни қайта тиклаш борасидаги янги лойиҳани маъқуллаган ўн давлат бу жараёнда қатнашиш учун ўз ҳарбий кучларини шу ой охирларида Ироққа жўнатишни мўлжаллаб турибди. Бу ҳақда Польша ташқи ишлар вазири Влодзимеж Чимошевич баёнот берди.

Лойиҳа Ироқни учга бўлиб, назорат қилишни назарда тутади. Назорат шу ўнта давлат кучлари томонидан амалга оширилади, деди у Грецияда ўтган Европа Иттифоқи вазирлари учрашувида.

**НОВОСТИ**. Ироқ Нефть вазирлигининг муваққат раҳбарияти тайинланди. Шу вазирликнинг режалаштириш департаменти собиқ раҳбари Тамер Газбан вазирликнинг муваққат ижроия қўмитаси раҳбари лавозимини эгаллади. «Шелл» нефть компаниясининг собиқ ижрочи директори Филипп Карэл эса вазирликнинг маслаҳат кенгашини бошқарадиган бўлди. Унинг ўринбосарлигига нефть савдоси давлат ташкилотининг собиқ директори Фадель Ўсмон тайинланди.

**ASSOCIATED PRESS**. Оптика бўйича мутахассис, «Баас» партияси аъзоси Али Шнан ал-Жанаби мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлигини бошқарадиган бўлди. Соғлиқни сақлаш тизими ҳам тезда қайта тикланишини вазият тақозо этмоқда. БМТнинг Ироқдаги мувофиқлаштирувчиси Рамиро Лопес да Сильванинг айтишича, мамлакат соғлиқни сақлаш тизими инқирозга юз тутиш арафасида. Шунинг учун тезда чоралар кўриш лозим.

Америка маъмурияти шифокорлар тез ўз иш жойларига қайтиб, соҳа ишларини йўлга қўйиб олишлари учун вазирликнинг ҳар бир ходимига белгиланган бир ойлик маош микдорида мукофот пуллари тарқатди.

Яқин кунларда бошқа вазирликлар ҳам қайта тикланиб, фаолият бошлашга имконият яратилади.

* * *

Ироқдаги иттифоқчи кучлар қўмондонлиги Voice of New Iraq радиостанцияси орқали Бағдод аҳолисига мурожаат этиб, кўчалардан топиб олган ўқ-дорию, курол-аслаҳаларга тегмасликларини сўради. Айниқса, кўча ва бошқа жойларда ётган (Ироқнинг собиқ ҳарбий кучлари ташлаб кетган) снарядларга, ҳарбий техникаларга болалар тегмасликларини уқтириш ота-оналардан илтимос қилинди. Акс ҳолда портлаб кетиб, ёки отилиб, турли нохушликлар келтириб чиқариши мумкинлиги таъкидланди.

**«АЗ-ЗАМАН»**. Арабистонда чоп этиладиган мазкур газета хабарларига кўра, ҳарбий ҳолатдан сўнг Ироқда маҳсулотлар нархи кескин кўтарилиб кетган. Масалан, мамлакат пойтахтида бир кило қўй гўшти 1-2 минг динордан 6 минг динорга, помидор — 300 дан 750 динорга, олма — 1,2 мингдан 3 минг динорга қимматлашган. Бундан ташқари бозорларда уруш пайтида талончилар томонидан ўғирланган буюмлар савдоси ҳам авж олган.

**«АЛ ИРОҚ АЛ-ЖАДИД»**. Ироқнинг ушбу газетаси хабар беришича, ироқлик такси ҳайдовчиси Хейсам Обид Али оиласида яқинда чақалоқ туғилди. У Ироқ халқини диктатурадан халос этган Америка бошчилигидаги коалиция кучларига ҳурмат юзасидан чақалоққа АҚШ Президенти Жорж Бушнинг исмини қўйди.

**Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Мавсумбоп маҳсулотлар ярмаркаси

Нукусда Ўзбекистон енгил саноат маҳсулотларининг баҳор-ёз мавсумига мўлжалланган кўргазмали чакана савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркани ташкил қилишдан мақсад ички бозорларни ҳар хил маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда аҳоли эҳтиёжини ўрганишдан иборат.

Чакана савдо ярмаркасида «Ўзбекенгилсаноат», «Маҳаллий саноат» акциядорлик компаниялари, «Ўзбекипаги» ва «Ўзбекчармпойабзал» уюшмалари, шунингдек, «Хева-Karpet» ҳамда Фарғонадаги «Ўзсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхоналари, Тошкентдаги чинни заводи маҳсулотлари савдога қўйилди.

Ярмаркада «Қорақалпоқсавдо», «Қорақалпоқтутинув», «Маҳаллий саноат» акциядорлик компанияларининг корхоналари ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашдилар.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

● МУНОСАБАТ

## Сессия ҳужжатлари ўрганилмоқда

Қашқадарё вилоят маънавият ва маърифат маркази ҳамда Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган йиғилиш Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XI сессиясидаги «Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли» мавзуидаги маърузаси мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ишларини ташкил этишга бағишланди.

Унда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ташкилот, корхона, муассасалар раҳбарларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосарлари, ХДП бошланғич ташкилотлари котиблари, вилоят адлия бошқармаси, вилоят фуқаролик ҳамда жиноят ишлари судлари масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари қатнашди. Қарши давлат университети профессори Исмат Худойбердиев, Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг масъул ходими Олим Равшанов, вилоят адлия бошқармаси етакчи мутахассиси Бахтиёр Бўриев ва бошқалар сессияда қабул қилинган қонунлар юртимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришнинг муҳим омили эканлигини эътироф этишди. Шунингдек, ушбу ҳужжатларни ўқиб-ўрганиш ва тарғиб этишнинг самарали усуллари тўғрисида ўзларининг аниқ таклифларини билдиришди.

Меҳнат жамоаларида шу мавзуда ўтказиладиган ғоявий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш учун белгиланган етакчи олимлар, ҳуқуқшунослар, жамоат ташкилотлари ва ХДП фаолларидан иборат тарғиботчилар гуруҳига йўлланма берилди.

**Маматқул РАЖАБОВ, Қашқадарё вилояти маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби**

## Шоирга эҳтиром

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 63-ўрта мактабда академик шоир Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Унда ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар иштирок этишди.

Йиғилишни мактаб директори Муҳаббат Иброҳимова очар экан, адибнинг ҳаёти ва ижоди, адабий меросининг мактабларда ўрганилиши ҳақида гапириб ўтди. Тадбирда ўқувчилар томонидан шоир ижодидан намуналар, саҳна кўринишлари намойиш этилди. Айниқса, 2-синф муаллими Гулнора Азимова ўқувчилари билан тайёрлаган бадиий қисм йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

Бундай тадбирларнинг ўтказилиши келажак авлод онгида халқимизнинг буюк сиймолари, Ватан ифтихорлари, миллат фидойиларига бўлган ҳурмат-эҳтиромни оширади. Зеро, Ватанга меҳр маҳалладан, мактабдан шаклланади.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

***Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 28 давлатдан бири. Суратда: ЎзДЭУ автомобиллари (чапдан) «Тико», «Матиз», «Дамас», «Нексия».***



***Uzbekistan is one of the 28 world car and automobile producers. UzDAEWOO produst on foto: (from the left) «Tico», «Matiz», «Damas», «Nexia».***

XORIJDA

## «С» вирусли гепатитга қарши

Олимлар буйрак ва саратон касаллигини қўзғатувчи «С» вирусли гепатитга қарши янги дори яратдилар. Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Бир вақтнинг ўзида АҚШ ва Канадада олиб борилган тадқиқотлар натижасида гепатит киши организмини қандай шикастлаши ва янги дори инфекцияга қарши қандай курашиши ҳақида янги маълумотга эга бўлинди.

Маълумки, 1989 йили «С» гепатити аниқланган. У қон қуйиш пайтида ёки шприцдан қайта фойдаланганда юқади. Бугунги кунда дунё бўйича 175 миллион киши шу касалликка чалинган ва уларнинг кўпчилиги бу ҳақда ўзлари билмайдилар. Ҳар йили 8 мингга яқин киши айнан шу касалликдан нобуд бўлади.

Организмнинг иммун тизими «С» гепатитига қарши кураша олмагани боис унинг вируслари киши умри давомида организмда сақланиши мумкин.

Рибавирин, дея номланган ушбу янги дори иммун тизимини меъёрда сақлашга ёрдам беради ва организмда «С» гепатити фаолиятини тўхтатади, бироқ инфекцияни бутунлай йўқ қилолмайди.

## ТАҚРИЗ




Бугунги кунда миллий қадриятларни, бой тарихий ўтмиш меросимизни ҳар томонлама мукаммал ўрганиш, айниқса, янги хорижий манбалар асосида уларга баҳо бериш муҳим аҳмият касб этмоқда.

Айнан шу нуқтаи назардан таниқли бобуршунос олим Ғафуржон Сотимовнинг «Бобурийзодалар» номли янги рисоласи нашр этилди. Рисолада кўпчилик китобхонларга ҳали маълум бўлмаган хорижий адабиётлар асосида бобурийлар салтанати ҳақида янги маълумотлар берилади.

Маълумки, ўтмишда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари томонидан Ҳиндистонда буюк давлатга асос солинган. Мамлакатни мустаҳкамлаш йўлида улар томонидан бир қанча хайрли ишлар амалга оширилган.

Юқоридаги рисола айнан шу масалаларни ўрганишга бағишланган бўлиб, унда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг

# Бобурийлар ҳақида янги рисола

авлодлари — Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгиршоҳ, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб Оламгирларнинг шоҳ ва инсон сифатидаги хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилади.

Шунингдек, рисолада бобурий маликалар: Хонзода Бегим, Гулбадан Бегим, Нур Жаҳон Бегим, Мумтоз Маҳал Бегим, Жаҳоноро Бегимларнинг мамлакатда тутган ўрни ва мавқеи тарихий манбалар асосида ёритилади.

Рисоланинг ўзига хос томони шундаки, муаллиф бобурийлар давлати, шаҳзода ва маликаларнинг шахсияти ҳақидаги маълумотларни беришда асосан чет эллик олимларнинг фикрларига асосланади.

Улардан бири Ҳиндистонда 20 йил яшаб, кутубхоналарда сақланаётган қўлёзмалар асосида Бобур ва Ҳумоюн ҳаёти ва фаолиятини синчиклаб ўрганган шотландиялик олим У. Эрскиннинг «Темурийлар авлодидан бўлмиш Бобур ва Ҳумоюн ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи» асаридан ноёб маълумотлар келтирилади.

Ушбу китоб бобурийлар давлати тарихини ўрганувчилар ва тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

**Шуҳрат КЎЧИМОВ,**
**филология фанлари номзоди**

## БОЛАЛАР СПОРТИ

# Фидойилик керак

### СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ ЎРИНБОСАРИ КАМОЛИДДИН ОҚБЎТАЕВ БИЛАН СУҲБАТ

**— Камолиддин ака, болалар спортини ривожлантириш бу биринчи галда катталарнинг иши, албатта. Шундай экан, бу масала вилоятда қай даражада ҳал этиляпти?**

— Президентимизнинг «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганидан сўнг орадан кўп ўтмай биз бу масалани халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқдик. Уни депутатлар, фаоллар шу соҳа жонкуярлари иштирокида кенг ва атрофлича кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилдик. Худди шу каби тадбирлар барча шаҳар ва туманларда ҳам бўлиб ўтди. Катта-кичик раҳбарлардан тортиб кенг жамоатчиликнинг бу масалага хайрихоҳлик, тушуниш ва қизиқиш билан қараётгани айниқса бизларни қувонтирмоқда. Чунки айнан ана шундай муносабатсиз ҳар қандай масалани изчиллик ва асосли равишда амалга ошириш қийин.

**— Демак ҳозирданоқ дастлабки натижалар ҳам кўзга ташланаётгандир?**

— Ҳа, албатта. Шундан сўнг вилоят мактабларидаги иккита спорт зали тўлиқ таъмирланди, 8 тасида эса таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Ана шу қисқа давр мобайнида 7 та футбол ҳамда 5 та спорт майдончалари ташкил қилинди. Яна 2 та футбол майдони ташкил этиш учун ер ажратилди. Еттита мактабдаги футбол майдонларига эса чим ётқизилди. Булардан ташқари ўнлаб янги спорт тўгараклари очилиб, уларда ҳозир 2000 нафарга яқин ёшлар иштирок этмоқда. Бу сингари тадбирлар кўлами эса кун сайин кенгайиб бормоқда. Мақсад ва манфаатлар муштарак бўлган жойда ишларнинг тез ривож топишини ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз.

**— Вилоятда спортнинг ёшлар ўртасидаги нуфузи, оммавийлиги ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.**

— Спортга бўлган эътиборни, унинг ёшлар орасидаги нуфузини оширмай туриб, оммавийликни таъминлаш қийин. Спорт нуфузини эса биринчи галда чемпионлар, ҳурматли устоз ва мураббийлар юксалтира оладилар. Ўтган йили вилоятимиз спортчилари 25 та турли нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, улардан 30 нафари олтин ва кумуш медаллар соҳиби бўлишди. Вилоятимизда ҳозир 132 нафар республика чемпионлари борлиги ҳам бизларни қувонтиради. Армрестлингчи Умид Аҳмедов, кикбоксингчи Жаҳонгир Кўчмуродов, академик эшкак эшиш усталари Виталий Силаев, Сергей Якубов, таэквондочи Рустам Ҳамроев, енгил атлетикачи Людмила Дмитриади сингари спортимиз юлдузлари эса жаҳон, Осиё чемпионатларида ўзларини кўрсата олишди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга бу қадар катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Серқуёш ўлкамиз, жумладан, вилоятимизни навқирон ёшлар маскани, дейиш мумкин. Вилоят аҳолисининг ўртача ёши 24 га тенг бўлиб, унинг 60 фоизини 28 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Агар биз ёш авлодни жисмонан соғлом ва етук этиб тарбиялай олсак, бунинг келажакдаги мевалари қандай бўлишини тушуниб олиш қийин эмас. Вилоятимизда 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар 20 мингдан ортиқдир, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари сони эса 117 мингга етади.

Ҳозирги пайтга келиб вилоятимизда мактабдан ташқари фаолият кўрсатаётган 23 та спорт мактаблари бўлиб, уларда спортнинг 20 дан ортиқ тури бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Машғулотларда вилоятимизнинг 11 мингдан зиёд ёшлари малакали мураббийлар ҳамда профессионал спортчилар раҳбарлиги остида ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Хуллас, бу борада ютуқлар ҳам, шулар билан бир қаторда муаммолар ҳам етарли.

**— Бугунги кунда қайси муаммолар сизни кўпроқ ташвишга солмоқда?**



— Биринчи галда мавжуд спорт иншоотларининг самарадорлигини оширишимиз керак. Болалар спортини ривожлантириш масаласига янгича, яъни бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қарашимиз лозим. Президентимиз Фармонида таъкидлаб ўтилганидек, спорт фақат вилоят марказларида эмас, балки энг олис қишлоқларимиз, чекка ҳудудларга ҳам етиб бориб, у ердаги ёшларимиз қалбига жисмоний тарбияга бўлган меҳр ўтини ёқсин. Болалар спортини ривожлантириш фақат дахлдор идоралар, мутахассислар ёки маҳкамаларнинггина эмас, балки ҳар бир оила, ҳар бир жамоа ва ҳар бир кишининг зарурий ишларидан бўлиб қолмоғи лозим. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда катта ва кенг кўламда амалий тадбирлар белгиламоқдамиз. Жумладан, вилоятимизда 2005 йилгача барча аҳоли пунктлари, айниқса, қишлоқ жойларда спорт мажмуалари ва спорт майдончалари ташкил этиш ва жойлаштириш режа ва тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга ошириш шаҳар ва туман ҳокимликларига топширилди. Вилоятимизда ташкил этилган болалар спортини ривожлантириш минтақавий бўлимига ҳозирданоқ 60 га яқин ҳомий ташкилотлардан 20 миллион сўмдан ортиқ маблағ тушди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда. Зеро, болалар спортини ривожлантириб оммавийлигини таъминлаш биз катталарнинг бурчимиздир. Спорт эса ҳамиша фидойиликни талаб этади.

**Абдужалил УМАРОВ суҳбатлашди.**

**BOSH MUHARRIR**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI**

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
**Farruh HAMROYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
**Ikromjon ISMOILOV**
**Elyor UBAYDULLAYEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.*

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 422

11547 nusxada bosildi

*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 04.30*
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

## МИЛЛАТ ВА ҚАДРИЯТ ● NATIONALITY AND TRADITIONS



**Самарқанд нонлари**
*The breads of Samarkand*



**Бойсун фольклор этнографик дастаси.**
*BAYSUN folk music ansamble.*




**Ирода ТЎЛАГАНОВА: Теннис бўйича Осиё чемпиони, халқаро турнирлар ғолиби**

*Iroda TULAGANOVA is Asian champion on tennis, winner of International Tournaments*



**Уч минг йиллик тарихга эга ўзбек миллий кураши бўйича 1999 йил 1-2 май кунлари биринчи жаҳон чемпионати ўтказилган эди. 2003 йил 24 январда Осиё олимпия кенгаши бош Ассамблеяси қарори билан курашни Осиё ўйинлари дастурига киритилди.**

*A three thousand years old National Kurash held its first championship on may 1-2, 1999. The Head Assamply of Olympic Commity decreed on adding Kurash to Asian Games on january 24, 2003.*

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### Деворнинг ҳам қулоғи бор

«Девор тагида гапирма, деворнинг ҳам қулоғи бор»; «Деворнинг сичқони бор, сичқоннинг қулоғи бор»; «Томнинг қулоғи бор», «Ўз уйим» деб гапирма, уй орқасида одам бор»; «Юрт оғзига элак ёпма, уй ўзимники дема»; «Девор орқасида одам бор»; «Дўппининг тагида одам бор»; «Эшигингни бекитма, тирқишини бекит» ва ҳ.к. Мазкур мақоллар эҳтиёткорлик билан сўзлаш, сир сақлаш, ҳушёр, зийрак бўлишга тааллуқлидир. «Сирингни барчага айтишдан эҳтиёт бўл, чунки ақлли бўлиш эҳтиёткор бўлиш деганидир. Агар сирингни сақласанг, у сенинг асирингдир, барчага ошкора қилсанг, сен сирингнинг асири бўлиб қоласан».

### Дилда бўлса, тилга келар

«Дилда нима бўлса, тилда ҳам шу»; «Дилда бори тилга чиқар»; «Дил хазина, тил калит». Инсоннинг айтадиган ҳар бир сўзи аввал дилда ўйланган, дилга «тугиб қўйилган» бўлади-да, кейин кези келганда тилга чиқади. Шунинг учун ҳам тилни дилнинг таржимони деб билидилар.

## ТЕННИС

# Марко Кюдинелли — турнир ғолиби

«Андижон» теннис маркази бир ҳафта мобайнида ишқибозлар билан гавжум бўлди. Анъанавий тарзда ўтказилган «Фьючерс» халқаро турнирида дунёнинг ўн етти давлати ракеткачилари кортга чиқди. Турнирнинг сўнгги куни айниқса, қизиқарли ва ҳаяжонли кечди.

Финалда покистонлик Айсам Куреши билан швейцариялик Марко Кюдинелли баҳслашди. Муросасиз беллашувда Марко Кюдинелли рақибини (6/1, 7/4) енгиб мусобақа ғолиби бўлди.

Жуфтлик ўйинларида ҳам Марко Кюдинеллига омад кулиб боқди. У Жанубий африкалик Жасин Бовер билан бирга швейцариялик юртдоши Степан Богли ва киприлик Маркос Багдатис жуфтлигига қарши кортга тушди. Баҳсда М.Кюдинелли ва Ж.Бовер жуфтлиги ғалаба қозонди.

Халқаро теннис турнири ғолибларига совринларни Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Содиқов тантанали тарзда топширди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ИНТЕР-СПОРТ

### Касаллик тарқалгани сабабли мусобақа қолдирилди




Шу йилнинг 23 сентябридан 11 октябригача Хитойда ўтказилиши кўзда тутилган аёллар ўртасида жаҳон футбол чемпионати қолдирилди. Мусобақа шу йил бошқа мамлакатда ўтказилиши мумкин. ФИФА ижроқўми мажлисида Хитойда зотилжамга ўхшаш касаллик тарқалгани учун ана шундай қарорга келинди.

ФИФА президенти Йозеф Блаттер бундай қарорга келишдан олдин тиббий спорт қўмитаси раҳбари, бельгиялик Мишел Д'Хуге билан мулоқотда бўлди. Улар Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг маслаҳатига мувофиқ шундай қарорга келишди. Бундай мусобақани ўтказишга эса АҚШ ва Австралия мамлакатлари талабгор бўлиб турибди.

### Жаҳон футбол чемпионатига 36 йўлланма

Жаҳон футбол чемпионатининг финал турнирида 36 жамоа иштирок этадиган бўлди. Ўтган шанба куни қарийб 7 соат давом этган ФИФА ижроқўми мажлисида шундай хулосага келинди. Албатта, шу йилнинг июнь ойи охирида Парижда бўлиб ўтадиган УЕФА ижроқўми навбатдаги мажлисида мухтасар қарорга келиниши кўзда тутилмоқда. УЕФА ижроқўмида ижобий қарорга келиниши мумкин. Бунинг учун чемпионат ташкилотчилари 36 жамоа билан ўтказиладиган ўйинлар жадвалини кўнгилдагидек бўлишига эришишлари керак. Эслатамиз, жаҳон футбол чемпионати тарихида, 1930 йили Уругвайда ўтказилган дастлабки мусобақада борйўғи 13 жамоа қатнашган бўлса, Япо-




ния ва Корея Республикасида бўлиб ўтган футбол байрамида 32 жамоа иштирок этди. Ўйлаймизки, Парижда бўлиб ўтадиган навбатдаги йиғилишда ФИФАнинг бу қарори тасдиқланса, 2006 йили Германияда ўтадиган жаҳон чемпионатига 36 жамоага йўлланма берилади.

## ОАО «N va GKGXQI»

сообщает, что внеочередное общее собрание акционеров состоится 5 июня 2003 года в 14.00 по адресу: **г. Ташкент, ул.Усмана Носира, 114.**

***Повестка дня:***

1. Об увеличении размера Уставного фонда Общества.
2. Об утверждении Положения о Наблюдательном совете Общества.
3. О размерах вознаграждений членам Наблюдательного совета Общества.
4. О переизбрании новых членов ревизионной комиссии.
5. О внесении изменений в учредительные документы Общества.

Информация о существенном факте ОАО «N va GKGXQI»
Порядковый номер сообщения — 07.
Дата принятия эмитентом решения о дате, на которую составляется список владельцев ценных бумаг, — 5.05.2003 г.
Дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг, — 5.05.2003 г.
За дополнительной информацией обращаться по месту нахождения ОАО: г. Ташкент, ул. У. Носира, 144.